O'ZBEKISTON

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

# ХАЛҚ СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

2002 йил 28 июнь жума

Сотувда эркин нархда

№ 135 (2963)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*

## ФАРМОНИ

### А.Р.Аҳмаджоновни Ўзбекистон Республикасининг Афғонистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинлаш тўғрисида

Алишер Раҳматович Аҳмаджонов Ўзбекистон Республикасининг Афғонистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинлансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**

**И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2002 йил 27 июнь.

## Туркия Республикаси Президенти Аҳмет Неждет Сезер Жаноби Олийларига

Муҳтарам Президент Жаноби Олийлари,

Сизни ва Сиз орқали барча қардош турк халқини футбол бўйича Туркия миллий терма жамоасини XYII жаҳон чемпионатининг асосий ҳал қилувчи босқичларидан бирида қатнашишга сазовор бўлгани билан Ўзбекистон халқи, ҳукумати ва шахсан ўз номимдан самимий табриклайман.

Туркия миллий терма жамоасининг жаҳон чемпионатидаги ўйинлари кўплаб футбол ишқибозларининг ҳақли олқишларига сазовор бўлмоқда. Уларнинг ушбу чемпионатдаги муваффақиятлари мамлакатингиз спортчилари учун ҳам, халқаро футбол оламида ҳам катта воқеа бўлди.

Ўзбекистонда Туркия жамоасининг Корея ва Япония футбол майдонларидаги моҳирона ва тезкор ўйинлари диққат билан кузатиб борилди ва финал босқичларига чиқишдаги ҳар бир ғалабаси ўзбек ишқибозларини беҳад севинтирди.

Фурсатдан фойдаланиб, турк футболчиларига халқаро спорт майдонида янгидан-янги ғалабалар ва улкан натижалар тилайман. Ишонаманки, турк спортчиларининг ютуқлари нафақат турк халқи, балки миллионлаб жаҳон спорти мухлисларига қувонч бахш этади.

Эҳтиром ила,

**Ислом КАРИМОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти.**





*Улуғнор туманидаги «Ўзбекистон» ширкат хўжалиги деҳқонлари жорий йилда ғалладан мўл ҳосил етиштирдилар. Мавжуд 118 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 46 центнердан дон йиғиштириб олиниб, белгиланган режа барвақт уддаланди. Ҳосилдорлик баъзи пудратчилар даласида 60-65 центнерни ташкил қилди. Лекин ўрим суръати сусайгани йўқ. Боиси ҳали ғаллазорларда ҳосил кўп.*

**СУРАТЛАРДА: комбайнчи Соҳибжон Алижонов; ўрим пайти.**

**Муқимжон ҚОДИРОВ (ЎзА) олган суратлар.**

## «FAYZ» МЕБЕЛЛАР КЎРГАЗМАСИ

***"Ўзкўргазмасавдо" кўргазмалар залида "FAYZ" холдинг компаниясининг "Ўзфайз — мебель-2002" кўргазмаси очилди. Уни ташкил этишдан мақсад компаниянинг сифатли ва замонавий мебель ишлаб чиқариш, экспорт салоҳиятини ошириш ҳамда чет эл инвестицияларини кенгроқ жалб этиш борасидаги тажрибасини кенг тарғиб қилишдан иборатдир.***

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари М.Усмонов кўргазма очилишида сўзга чиқиб, халқимиз турмуш фаровонлигини ошириш, эҳтиёжини таъминлаш давлат сиёсати тамойилларининг устувор жиҳати эканини таъкидлади. "FAYZ" компаниясининг маҳсулотлари ҳам айнан ана шу тамойиллар асосида ишлаб чиқарилмоқда.

Мустақил юртимизда илк бор ташкил этилаётган ушбу кўргазма барча ишбилармонларга, хорижлик сармоядорларга Ўзбекистон мебелсозлиги, унинг истиқболи ҳақида тўлиқ ва аниқ тасаввур бера олади. Соҳани янада равнақ топтириш, ўзбек мебелини жаҳон бозорига кенгроқ олиб чиқиш учун чет эллик ҳамкорлар билан ўзаро манфаатли алоқаларни янада ривожлантириш давр талабига айланди.

— "FAYZ" мебелсозлик бўйича Марказий Осиёда энг етакчи компания саналади, — дейди компаниянинг хорижий ҳамкорларидан бири, "Хомаг" фирмасининг бош директори Ф.Краузе. — Таъкидлаш жоизки, ушбу корхона республикангиз мебелсозлигини ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшаётган ва хорижда эътироф этилаётган йирик компаниялардан биридир.

Кўргазмада компаниянинг 300 дан зиёд турли мебель маҳсулоти, жумладан, ошхона, турар-жой, мактаб, офис жиҳозлари, тиббиёт мебеллари, уни ишлаб чиқариш жараёнида фойдаланилаётган технологиялар намойиш этилмоқда.

"FAYZ" ўз маҳсулоти сифати учун кўплаб нуфузли халқаро танловларда диплом ва совринлар билан тақдирланган. Яқинда компания Бельгиянинг Брюссель шаҳридаги "ЕВРОМАРКЕТ" форумида жаҳон андозалари даражасидаги маҳсулоти ҳамда бизнес ва маркетинг соҳасидаги муваффақиятлари учун махсус соврин билан мукофотланиб, халқаро сифат сертификатига ҳам сазовор бўлди.

Кўргазма 30 июнгача давом этади.

**(ЎзА).**

## КОМИССИЯ МАЖЛИСИ

***Корхоналар банкротлиги ва санацияси масалалари бўйича ҳукумат комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда ассоциациялар, бирлашмалар ва корхоналар раҳбарлари иштирок этди.***

Мажлисни Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари, комиссия раиси Р. Азимов бошқарди.

Мажлисда таъкидланганидек, Президентимиз Ислом Каримов томонидан кам самарали, рентабеллиги паст бўлган йирик давлат корхоналарини молиявий соғломлаштириш, уларни реструктуризация қилиш жараёнини фаоллаштиришга йўналтирилган чора-тадбирлар мажмуасини ишлаб чиқиш бўйича қўйилган долзарб вазифаларга мувофиқ ҳолда 58 та кам рентабелли йирик корхона аниқланиб, рўйхати тузилди. Шунингдек, Макроиқтисодиёт ва статистика, Молия вазирликлари, Марказий банк, Давлат солиқ қўмитаси, Давлат мулки қўмитаси, Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ва Иқтисодий ночор корхоналар ишлари қўмитаси ходимларидан иборат ишчи гуруҳлари ташкил этилди. Бундан кўзланган мақсад — жойлардаги ҳақиқий аҳволни ўрганиш ва молиявий соғломлаштириш, иқтисодий ночорлик аниқланган ҳолларда эса банкротлик жараёнини бошлаш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқишдан иборат.

Комиссия мажлисида кам рентабелли ва иқтисодий ночор корхоналар, хусусан, "Ўзмашсаноат" ва "Ўзбекенгилсаноат" ассоциациялари корхоналарини реструктуризация қилиш ва молиявий соғломлаштириш бўйича ишлаб чиқилган мажмуавий режаларни кўриб чиқиш бошланди.

Ҳар томонлама муҳокамадан сўнг комиссия томонидан "Каноп" ишлаб чиқариш бирлашмаси, "Тошкент компрессор заводи", "Тоштекстилмаш" акционерлик жамиятлари, "Наманганмаш" очиқ турдаги акционерлик жамияти, "Тошкент машинасозлик корхонаси" очиқ турдаги акционерлик жамияти, "Бобур" очиқ турдаги акционерлик жамияти, "И.Фозилов" акционерлик

**(Давоми 2-бетда).**

## ЖУРНАЛИСТНИНГ ЎРНИ ОЛДИНГИ САФДА

Бугунги кунда оммавий ахборот воситалари жамиятимиздаги ижтимоий-сиёсий, маънавий-руҳий ўзгаришлар, демократик тамойилларни шакллантиришдек улуғвор ишларнинг фаол иштирокчиси, одамларимизни эркин фикрлашга ўргатадиган ва маънавий уйғоқликка даъват этадиган доимий ҳамроҳимизга айланаётир. Бунинг замирида, шубҳасиз, журналистларимизнинг ўз касбига меҳр ва садоқати, оғир ва сермашаққат меҳнати мужассамдир.

Пойтахтимизнинг Мирзо Улуғбек номидаги сўлим боғида 27 июнь — Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари байрами муносабати билан тадбир бўлиб ўтди. Унда журналистлар ва матбаачилар, турли вазирлик, қўмита, муассаса, идоралар вакиллари, газетхонлар иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларига йўллаган табригини Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов ўқиб эшиттирди.

Байрамда сўзга чиққанлар матбуот ва оммавий ахборот воситалари миллий истиқлол ғояларини кенг тарғиб этиш, халқимизнинг бунёдкорлик меҳнати, орзу-интилишларини кенг акс эттириш, мамлакатимизда сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маънавий соҳада юз бераётган ўзгаришлар, ислоҳотлар жараёнини ҳаққоний ва тезкор ёритиш борасида журналистлар олдида турган масъулиятли вазифалар ҳақида гапиришди. Доимий эътибори, самимий истаклари учун Юртбошимизга миннатдорлик изҳор этишди.

Президентимиз табригида таъкидланганидек, журналистларимиз ҳаётнинг олдинги сафларида юриши, мамлакатимиз ривожланган давлатлар сафидан ўрин олишида, жамоатчиликни ўйлантириб турган мураккаб саволларга жавоб топишда кўмакдош бўлмоғи лозим.

Юртбошимизнинг оммавий ахборот воситаларини демократлаштиришни янада кучайтириш, улар саҳифасидан жамиятдаги мавжуд турлича қарашларга кенг ўрин бериш, ҳаёт ўзгаришларини холис ва ҳаққоний ёритишда жамиятимиз суянчи ва таянчи бўлиш борасидаги фикрлари республика қалам аҳлини янги ижодий изланишларга даъват этади. Тадбирда Ўзбекистон Оммавий ахборот воситаларини демократлаштириш ва қўллаб-қувватлаш ижтимоий-сиёсий жамғармаси томонидан эълон қилинган "Йилнинг энг яхши журналисти — 2001" танловининг ғолиби ва совриндорларига мукофотлар топширилди.

Таниқли санъаткорларнинг катта концерт дастури байрамга ўзгача файз ва шукуҳ бағишлади. Тадбир доирасида журналистлар ўртасида турли мусобақалар бўлиб ўтди.

**Назокат УСМОНОВА,**
**ЎзА мухбири.**

## Акциялар таклиф этилмоқда

Марказий Осиёдаги рангли металлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган йирик корхоналардан бири — Олмалиқ тоғ-кон металлургия комбинатида хорижий инвесторлар учун тақдимот маросими бўлиб ўтди. Уларга умумий қиймати 478 миллион долларлик акциялар таклиф этилмоқда.

Давлат Мулки қўмитасининг маълумотларига кўра, айни вақтда комбинат акцияларини Германия, Исроил, Финляндия давлатлари компанияларига сотиш борасида музокаралар олиб борилаётир.

## Ғолиблар пойтахтга боради

Наманганда "Ўзбекистон — Ватаним маним" қўшиқлар танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди .Унда иштирок этган ўнлаб жамоалар ғолиблик учун беллашдилар. Хор йўналиши бўйича ғолиблик учқўрғонликларга насиб этди. Мақом бўйича эса тўрақўрғонлик Ю.Боқихоновнинг қўли баланд келди. "Попда байрам" халқ термалари хор гуруҳи қўшиқлари фольклор йўналиши бўйича эътироф этилган бўлса, косонсойлик Г. Иззатуллаевнинг Ватан, она ва муҳаббатни тараннум этувчи эстрада қўшиғи ҳайъат аъзолари томонидан юқори баҳоланди. Ғолиблар пойтахтимизда ўтказиладиган Мустақиллик байрами тантаналарида иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлдилар.

**«Халқ сўзи», «Туркистон пресс».**

## ИШ ҲАҚИ КЕЧИККАНИГА КИМ АЙБДОР?

Аҳоли моддий-маданий турмуш даражаси яхшиланиши, аввало, уларнинг иш билан таъминланиши, қолаверса, иш ҳақларини ўз вақтида олишига боғлиқ. Қонунчилигимизда ходимларнинг меҳнат ҳуқуқлари ҳимояга олинган. Лекин барча корхона ва ташкилотларда бу борадаги қонунларга доим ҳам амал қилиняптими? Таассуфки, одамларнинг зарурий эҳтиёжини қондирадиган ойлик маошлар ўз вақтида берилмасдан, ойлаб пайсалга солиниши ҳолатлари ҳам учраб турибди.

Айни шу масаладаги муаммоларга барҳам бериш мақсадида жорий йилнинг март ойида иш ҳақи ўз вақтида тўланишига доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида ҳукумат қарори қабул қилинди. Унда фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, мулкчилик шаклларидан қатъи назар, корхоналар ва ташкилотлар ходимларига иш ҳақи ўз вақтида ва тўлиқ тўланиши учун хўжалик юритувчи субъектларнинг жавобгарлигини оширишга алоҳида аҳамият берилди. Мазкур қарорда прокуратура органлари зиммасига иш ҳақини ўз вақтида тўлашнинг амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ белгиланган тартибига риоя қилиниши устидан назоратни кучайтириш ҳамда иш ҳақи бўйича муддати ўтказиб юборилган қарзлар ҳосил бўлган ҳолларда айбдор шахсларни тегишли жавобгарликка тортиш вазифаси юклатилган эди.

— Ўтган даврда прокуратура органлари зиммаларига юклатилган вазифани бажариш мақсадида муайян ишларни амалга оширди, — деди ЎзА мухбири билан суҳбатда Республика Бош прокуратураси Умумий назорат бошқармаси прокурори Зайниддин Ҳидиров. — Республикамиздаги 13 та вазирлик ва уюшмаларнинг бу қарорни бажариш борасидаги фаолияти таҳлил этилди. Натижада мазкур тизимларда жорий йилнинг 1 июнигача бўлган даврда иш ҳақидан умумий қарздорлик деярли 17 миллиард сўмни ташкил этган.

Асосий қарздорлик "Ўзбекэнерго", "Ўзкимёсаноат" давлат акциядорлик компаниялари, "Ўзбекнефтгаз" миллий холдинг компанияси, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳамда Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси тизимларидаги корхона ва ташкилотлар ҳиссасига тўғри келади.

Иш ҳақидан қарздорликни тугатиш жараёнида прокуратура органлари асосий эътиборни хўжалик юритувчи субъектлар раҳбарларининг иш ҳақини ўз вақтида тўлашнинг қонунда белгиланган тартибига риоя қилишига қаратиб, бу борада айбдор шахсларга нисбатан қатъий чоралар кўрмоқда.

Таҳлиллар натижалари кўп ҳолларда ходимларнинг иш ҳақи ўз вақтида тўланмасдан, корхона ва ташкилотларнинг мансабдор шахслари томонидан пайсалга солинаётгани ёки бу маблағлар улар томонидан шахсий манфаатларга ишлатиб юборилаётганлигини кўрсатмоқда.

Бугунги кунда мамлакатимизда кадрлар тайёрлашга жиддий эътибор қаратилаётир. Ўқитувчиларга иш ҳақи тўкис бериб борилмаётгани бу жараёнга салбий таъсир кўрсатади. Афсуски, айрим ҳудудларда келажагимиз эгаларининг тарбиячилари ҳақларига хиёнат қилаётганлар учраётгани ачинарлидир. Масалан, Янгиер шаҳридаги тилларни чуқур ўрганишга ихтисослаштирилган мактаб-интернати бош ҳисобчиси Л.Бодина 696,3 минг сўмлик иш ҳақини ўқитувчиларга

**(Давоми 2-бетда).**

*Хўжасизлик — ерга хиёнат!*

## ЎТ БОСГАН ДАЛАЛАР, НИМЖОН ҒЎЗАЛАР

***Зомин туманидаги «Амир» фермер хўжалиги далаларида, гарчи куннинг айни меҳнат қиладиган палласи бўлса-да, тракторчи Ўрозали Бобомуродов ва унинг ёрдамчисидан бошқа бирор кимса йўқ эди. 30 гектарча ерда 5-6 хил ривожланишдаги ғўзалар кўзга ташланади. Кўчатлар сийрак, чигит унмаган жойлар ҳам анчагина. Ачинарлиси, ниҳолларнинг бори ҳам бегона ўт исканжасида қолган.***

— Нима, фермер хўжалигида сизлардан бошқа одам йўқми? — сўраймиз тракторчидан.

— Бор. Улар қўшни 15 гектарлик далада кечки ғўзаларга чигит суви беришаяпти, — деди у.

Ол-а, биз ҳали фермер Холбўта Бобомуродовнинг энг олди ғўзаларини кўриб турган эканмиз-да!

Устига устак, мутахассис ҳамроҳимиз культивациянинг чала ўтказилаётганини исботлаб берди. Бу агротехника тадбири муддатида амалга оширилмагани учун майдонда кесак кўчаяпти.

Шу ўринда бир ҳафта бурун вилоятда пахтачилик масалаларига бағишлаб ўтказилган республика йиғилишида таниқли мутахассислар билдирган мана бу тавсиялар ёдимизга тушди: «Бу йилги шароитда Жиззах пахтаси тақдирини культивациянинг сифати ҳал этади. Ерни юмшатиш керак. Токи ғўза илдизига ҳаво, озуқа борсин. Культиваторларда камида 34-35 та ишчи қисми бўлишини таъминланг. Оммавий сафарбарликсиз бегона ўтдан қутула олмайсиз». Бу сўзларни фермерга эслатганимизда, у бамайлихотир шундай деди:

— Ўғит бериб, суғорсак, ғўзамиз ривожланиб қолар. Кузгача яхши ҳосил тўплаймиз.

«Жўжани кузда санайман», деб вақтни бой берганини у билармикан? Июннинг охирида чигит суви берилаётган, ўз муддатида ўғитланмаган, сувга қондирилмаган ғўзалардан кутилган ҳосилни олиб бўладими? Ниҳолнинг ҳолати деҳқон меҳрига зорлигини англатмаяптими?

«Ғолиб» ширкат хўжалиги ҳудудидаги Маҳмуд Янгибоев, Тўйчи Мирзаев, Бозорбой Бобомуродовлар раҳбарлик қилаётган фермер хўжаликларида ҳам аҳвол ташвишли. Ғўзаларнинг ривожи паст, бегона ўт кўп. Шуларнинг ўзиёқ бу жамоаларда иш ўз ҳолига ташлаб қўйилганидан дарак берарди. Хўжасизлик эса ерга хиёнат қилишдир. Бироқ фермерлар суҳбат асносида ўзларини оқлашга уриниб, бу йилги баҳор пахтачилик учун жуда мураккаб ва оғир келганлигини баҳона қилдилар. Айтинг-чи, баҳона қидирган билан вазият ўзгарадими? Ундан кўра, интилиш, изланиш, ҳаракат қилиш зарур эмасми?

«Феруза» фермер хўжалиги (раҳбари Мавлуда Усмонова) далаларида 25 чоғли чопиқчини кўриб, росса, қувондик.

— Шароитимиз яхши, вақтида иш ҳақимизни бериб туришибди, — деди ҳамроҳимиз. — Қаранг, ғўзамиз соат сайин гуркираб ўсаяпти. Шуни кўриб, шодланиб ишлаяпмиз-да!

Ҳақиқатан ҳам, Мавлуда опанинг даласида ғўзалар яшнаб турибди. Ўғит берилиб, қатор оралатиб суғорилаётган ниҳолларда ҳосил тугунчалари тобора кўпаймоқда.

«Оқар» ширкатлар уюшмаси ҳудудидаги «Наҳалбой» фермер хўжалигининг 20 гектар ғўза майдонида ҳам шундай манзаранинг гувоҳи бўлдик.

Қизиқ, пайкаллари ёнма-ён жойлашган, ҳатто ёлғизоёқ йўл ажратмаган, таъминоти бир хил фермер хўжаликларида ғўзаларнинг ҳолати нега бир-биридан кескин фарқ қилади? Жавоб аниқ: айрим фермерларда масъулият ҳисси сезилмаяпти, улар жон куйдириб меҳнат қилмаяптилар. Афтидан, ер ўзининг ҳақиқий эгасини топмаган кўринади.

Юқорида эслатилган республика миқёсидаги йиғилишда вилоят далаларида зарарли ҳашаротлар, айниқса, кўсак қурти кенг тарқалиши учун қулай шароит юзага келгани алоҳида таъкидланиб, бунинг учун эҳтиёт чоралари сифатида бир қатор тавсиялар ҳам берилганди. Шу муносабат билан яқинда вилоят ҳокимлиги ташаббусига биноан Пахтакор туманида зараркунандаларга қарши курашда фойдали ҳашаротларни қўллаш, биолабораториялар фаолиятини такомиллаштиришга бағишланган семинар ўтказилди. Ҳозир жойларда ана шу йиғилиш ва семинарда белгилаб берилган тадбирлар асосида иш олиб борилаяпти. Лекин биолабораторияларда етарли миқдорда «трихограмма», «хабрабракон», «олтинкўз» бўлгани ҳолда, «Алишер», «Зиёдулла», «Турди ота», «Жамолиддин», «Абдували ота», «Ҳақиқат» фермер хўжаликларига улар ҳалигача келтирилмагани таажжубланарлидир. Ваҳоланки, мутахассислар кузатуви айнан шу ҳудудларда трипснинг тарқалганини исботламоқда.

Бундай масъулиятсизлик кейинчалик жуда қимматга тушиши аниқ. Шундай экан, чилла кунларида, айниқса, ғўзага оби-тобида ишлов бериш, майдонларда зараркунанда ва касалликларнинг тарқатилишига йўл қўймаслик — энг муҳим вазифа эканлигини унутмаслик лозим.

**Баҳриддин САТТОРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**




**АЛЛО, СИЗНИ ВАЗИР ЭШИТАДИ!**

Муҳтарам «Халқ сўзи» ва «Народное слово» газетхонлари!

**Бугун соат 10.00 дан 12.00 гача Сизлар учун Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазири Саидаҳрор Саидаҳмедович Ғуломов телефон орқали мулоқот соатлари ўтказади.**

**Агар Сизни мамлакатимиз таълим тизимида амалга оширилаётган туб ислоҳотларнинг натижалари, давримизнинг стратегик ҳужжати — Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида белгиланган улуғвор вазифаларнинг қандай бажарилаётганлиги ҳамда яқинлашиб келаётган 2002-2003 ўқув йили учун олий ва ўрта махсус ўқув юртларига қабул уюштириш билан боғлиқ масалалар, шунингдек, бу борадаги янгиликлар, муаммолар қизиқтирса ва шу соҳадаги ишларни янада яхшилашга оид таклиф ҳамда мулоҳазаларингизни айтишни истасангиз, қуйидаги телефонларга қўнғироқ қилинг.**

**139-15-00, 139-15-24, 139-46-74.**

**БЕВОСИТА МУЛОҚОТГА МАРҲАМАТ!**

## Комила — халқаро танлов ғолиби

***Республика рассомлик коллежининг IV-курс талабаси Комила Негматулина Словакия Республикасида ўтказилган ёш рассомлар танловида мутлақ ғолиб, деб топилди.***

Словакия ҳукумати бундан саккиз йил муқаддам ёш рассомларнинг ана шундай танловини ҳар йили ўтказиш ташаббуси билан чиққан эди. Танловга асосан гиёҳвандликнинг даҳшатли оқибатларини акс эттирган асарлар танлаб олинади.

БМТ ҳомийлигида ўтказилган "Мен нечун дунёда бахтлиман" мавзуидаги бу йилги танловда кўплаб давлатлардан ёш рассомлар қатнашди. Улар орасида ҳамюртимиз Комила Негматулинанинг гиёҳвандликка қарши мавзудаги туркум асарлари мутахассислар эътиборини тортди.

Мактабда ўқиб юрган давридаёқ турли кўрик-танловларда муваффақиятли иштирок этиб келган Комила эндиликда олий ўқув юртига имтиҳонсиз кириш имкониятига эга бўлди.

**Назокат УСМОНОВА,**
**ЎзА мухбири.**

*Устоз ҳақида сўз*

# Жасоратга йўғрилган ҳаёт



Сўнгги пайтларда жасорат сўзини бироз авайлаб-асраб, ўз ўрнида ишлатишга ҳаракат қиляпмиз. Бу бирор бир жасорат қилишга лойиқ воқеа-ҳодисанинг юз бермаётганлигида ёки жасоратли инсонларнинг камайиб кетаётганида эмас. Балки жасорат сўзининг маъно-моҳияти, салмоғи янада теранлашиб, бу сўзга бўлган талабнинг ошиб бораётганлигида бўлса керак. Собиқ шўролар тузуми даврида жасорат сўзи, ўрни келса-келмаса, аямасдан ишлатилавериб, сийқаси чиқиб кетганди. Гўё барча соҳа жасоратга тўлиб-тошган эди, ҳамма бирдек жасорат кўрсатиб ишларди, жасорат билан тер тўкиб, жасорат билан дам олиб, жасорат билан туш кўрарди. Бадиий адабиёт, кино ва саҳна асарлари бошдан-охир жасорат руҳи билан суғорилган бўларди. Афсуски, бундай оммавий «жасорат» ҳеч кимни ҳаяжонга солмас, ундан ҳеч ким ўрнак ҳам олмасди. Аслида, бу жасоратнинг сохталиги, ёлғонлиги билиниб турарди. Шу боис жасорат сўзига кўпчилик лоқайд, бепарво эди...

Мустақиллик даврига келиб жасорат сўзининг салмоғи янада юксалди, кўлами кенгайиб, нуфузи, қадри ошиб боряпти. Аввало, Ўзбекистон мустақиллигини эълон қилган Юртбошимизнинг ЖАСОРАТИ бунга ёрқин мисол бўла олади. Шунингдек, Юртбошимиз, айни пайтда, ҳар биримизни шу Ватан, шу юрт, шу халқнинг буюк келажагини яратиш учун жасорат кўрсатиб ишлашга, жасорат руҳи билан ижод қилишга даъват этаётир. Бундай жасорат ва жасоратли ишлардан ёшлар ўрнак олишлари ва ўзларини Ватан равнақи учун жасоратга тайёрлашлари лозимлиги айтилмоқда.

Ўзбек миллий адабиёти ва матбуоти ривожига улкан ҳисса қўшиб келаётган жасоратли ижодкорлардан бири, шубҳасиз, «Жаҳон адабиёти» журналининг бош муҳаррири, машҳур адабиётшунос олим, мунаққид ва таржимон, замонамизнинг фидойи маърифатпарварларидан бири Озод Шарафиддинов бўлади.

Фақат ҳурлик ва мустақиллик туфайли Озод ака ижодининг тамоман янги қирралари очилди. Гўё янги ижодкор ва янги муҳаррир туғилди. Озод аканинг сўнгги йилларда «Халқ сўзи», «Ўзбекистон адабиёти ва санъати», «Ёзувчи» газеталарида, «Тафаккур», «Жаҳон адабиёти» журналларида мунтазам эълон қилиб келаётган турли мавзудаги ўткир мақолалари ва таржималари бунга ёрқин мисол бўлади. Баъзан у кишининг бир мақоласини ўқиб улгурмай туриб, яна янгисига кўзингиз тушади. Таржима асарлари ҳам худди шундай — «янги ва янги, хилма-хил...». Энг муҳими, Озод аканинг чоп этилаётган асарлари, мақолалари, албатта, зиёлилар, ўқувчилар ўртасида ижобий гап-сўзларга, баҳс-мунозараларга сабаб бўлаётганига гувоҳмиз.

Сўнгги йилларда ёзилган Озод Шарафиддиновнинг «Йўлбошчи», «Чўлпонни англаш», «Эътиқодимни нега ўзгартирдим?», «Ғаройиб ҳақиқатни кашф этдим», «Довон тепасидаги ўйлар», «Истибдод қурбони», «Нутқ», «Сизни соғиндим, Зулфия опа!» сингари кўплаб мақолалари маънавий ва адабий ҳаётимизда воқеа бўлди. Биринчидан, шундай мақолаларга ташналик кучли, иккинчидан, ҳар бир мақола замирида ақл ва жасорат мужассамини кўриш мумкин. Кечаги кун изтироблари, тавба-тазаррулари билан бугуннинг дардлари, қувонч ва ташвишлари ёрқин мисолларда очиб берилган. Озод ака қаламга олаётган ҳар бир мавзуни донишманд кўзи ва маърифатпарвар нигоҳи билан кўриб, воқеа-ҳодисаларнинг теран моҳиятини жасорат билан очади. Озод Шарафиддинов мақолалари тоғнинг тоза асалига ўхшайди: ҳам ҳиди димоғингизни қитиқлайди, ҳам таъмидан мазза қиласиз. Шу боис ҳам улар қайта-қайта ўқилади, давраларда тез-тез тилга олинади. Бу теран тафаккур билан йўғрилган мақолалар аллақачон халқимизнинг маънавий мулкига айланган...

«Жаҳон адабиёти» журналига Озод Шарафиддинов бош муҳаррир этиб тайинланиши ҳам хўп иш бўлди. Бунга Озод аканинг ҳар жиҳатдан маънавий ҳаққи бор эди. Ўша йили журналнинг еттита сони чоп этилди. Рус адиби Игорь Буничнинг «Партиянинг олтинлари» ҳужжатли-публицистик қиссаси Озод Шарафиддинов таржимасида журналнинг дастлабки сонларида босилгач, қўлма-қўл бўлиб ўқилди. Журналнинг илк сонларидан бошлаб Озод аканинг муҳаррирлик истеъдоди, тафаккури, заҳмати ва жасорати ёрқин қирралари билан намоён бўла бошлади. Журнал мазмун-мундарижаси билан бир вақтлар машҳур бўлган «Иностранная литература», «Новый мир» сингари журналлардан асло қолишмайди. Ўзбек ўқувчилари жаҳон адабиёти, маданияти, фалсафасига азалдан ўч. Шу боис ҳам «Жаҳон адабиёти» дастлабки сонларидан бошлаб ўқувчининг юксак маънавий эҳтиёжларини қондиришга астойдил интилиб, изланиб келяпти. Йилдан-йилга журналнинг мундарижаси бойиб, мазмунан теранлашиб боряпти. У бизни ҳақиқий жаҳон адабиётига ошно қилиб, унинг бебаҳо дурдоналаридан баҳраманд этиб келаётир. Бу ижодий ишларда, шубҳасиз, бош муҳаррирнинг шижоати ва жасорати яққол намоён бўлиб турибди. Журналнинг ҳар бир сонини алоҳида олиб, мисоллар билан таҳлил қиладиган бўлсак, анча-мунча қоғоз қораланиши керак. Энг муҳими, шу пайтгача чоп этилган «Жаҳон адабиёти» журнали аллақачон ўқувчиларнинг маънавий хазинасига айланди. Бу ҳар бир миллат зиёлисининг столида туриши керак бўлган нашр.

Бош муҳаррирлик кўз-кўз қилиб, гердайиб юрадиган мансаб эмас. Аксинча, туну кун ишлайдиган, ишлаб изланадиган, изланиб ижод қиладиган вазифа. Бунинг қанчалар оғир ва машаққатли лавозимлигини «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасида ишлаб юрган йилларимизда машҳур адиб, талабчан устоз ва жасоратли муҳаррир Одил Ёқубов сиймосида кўрганмиз. Бугун ана шундай шижоатни Озод Шарафиддинов ҳайрат ва ибрат билан бажариб келяпти.

Озод аканинг сўнгги беш йил ичида «Жаҳон адабиёти» ва «Тафаккур» журналларида ўттизга яқин роман, қисса, ҳикоя, эссе ва публицистик мақолаларни юксак маҳорат билан таржима қилганлигининг ўзи жасорат эмасми? Ҳар йили ўнга яқин салмоқли мақолаларни ёзиб эълон қилаётгани жасорат эмасми? Қанча-қанча ёзувчи, олимларнинг қўлёзмаларини ўқиб, фикр-мулоҳазалар айтаётгани жасорат эмасми? Ўзлари бироз хаста бўлишига қарамасдан, нуфузли йиғинларда, адабий давраларда эҳтирос билан сўзлашлари жасорат эмасми? Хуллас, 73 ёшда ҳам ёзув столидан жилмай катта матонат ва сабр-тоқат билан ижод қилишнинг ўзи жасорат эмасми? Ҳамиша қўрқмасдан, дадил, тўғри сўзни айтиш ва ёзиш, адабиёт ва ҳаётда ҳалол бўлиш, ҳалоллик учун курашиш ва ўзи ҳам шу йўлда собит қолиш ҳақиқий жасорат эмасми?!.

Озод Шарафиддиновнинг жасоратли ҳаёти ва жасорат билан йўғрилган ижодини қадрлаган Президентимиз у кишини 70 ёшга тўлиши муносабати билан «Буюк хизматлари учун» ордени билан мукофотлади. Ва бу орден ҳар жиҳатдан ўз соҳибига жуда мос келганидан кенг жамоатчилик, адабиёт аҳли Озод аканинг шогирдлари, мухлислари бениҳоя хурсанд бўлдилар. Бу ҳам адолат тантаналаридан бири эди. Собиқ шўро тузуми даврида ҳақиқий адабиёт тақдири учун аёвсиз курашган инсон ва ижодкорнинг жасоратига берилган энг юксак баҳо эди.

Биз, ёш муҳаррирлар Озод Шарафиддинов жасоратидан ҳар қанча ўргансак, ибрат олсак арзийди. Бу жасорат замирида миллат маънавиятининг, адабиётининг бетакрор ва ёрқин саҳифалари бунёд бўлаётир. Жасоратга тўла ҳаёт ва ижод йўлингиз узун ва янада сермаҳсул бўлиб бораверсин, муҳтарам Устоз!

**Ашурали ЖЎРАЕВ.**

**«ХАЛҚ СЎЗИ»**
**«НАРОДНОЕ СЛОВО»**

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Аббосхон УСМОНОВ

**Таҳрир ҳайъати:**
Э. БОЛИЕВ (масъул котиб — «Халқ сўзи»),
М. ЕГОРОВ (масъул котиб — «Народное слово»),
Ш. ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»),
С. ЗИНИН,
М. МИРАЛИМОВ,
С. МУҲИДДИНОВ,
Ш. РИЗАЕВ,
М. САФАРОВ,
Р. ФАРҲОДИЙ,
И. ХУДОЁРОВ,
И. ШОҒУЛОМОВ,
О. ҚАИПБЕРГЕНОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»),
Ў. ҲОШИМОВ.

**БЎЛИМЛАР:**
*Ижтимоий-сиёсий ҳаёт* — 133-57-34; 133-78-92
*Иқтисодиёт* — 136-36-65; 132-10-65
*Маънавият ва маърифат* — 136-35-60;
*Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар* — 136-29-89, 133-07-48;
*Фан, соғлиқни сақлаш ва халқ таълими* — 132-12-08;
*Янгиликлар ва халқаро ҳаёт* — 132-11-15;
*Котибият* — 133-10-28;
*Эълонлар* — 136-09-25.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00001-рақам билан рўйхатга олинган.
Буюртма Г — 576, 36491 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2.

Газета таҳририят компьютер базасида терилди ҳамда операторлар Ж. ТОҒАЕВ ва З. БОЛТАЕВ томонидан саҳифаланди.

Навбатчи котиб — Ю. ҲАМИДОВ.
Навбатчи муҳаррир — Н. ТОШЕВ.
Навбатчи — О. РАЖАБОВ.
Мусаҳҳиҳ — М. СУЛАЙМОНОВА.

МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.
[t] — тижорат материали.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.

*Босишга топшириш вақти — 21.00.*
*Топширилди — 21.50.*
1 2 3 4 5 6

*Азиз ёшлар!*

***МАКТАБ, ЛИЦЕЙ, КОЛЛЕЖ БИТИРУВЧИЛАРИ!***
***КЕЛАЖАКДА ЖАҲОН МЕҲНАТ БОЗОРИДА ЎЗ ТАНЛАГАН КАСБИНГИЗ БЎЙИЧА РАҚОБАТБАРДОШ, ЕТУК МУТАХАССИС БЎЛИШНИ ОРЗУ ҚИЛГАН БЎЛСАНГИЗ***

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИГА**
**ЎҚИШГА ТАКЛИФ ЭТАМИЗ**

**2002-2003 ўқув йилида бакалавриатнинг қуйидаги йўналишлари бўйича қабул эълон қилинади:**



**ИҚТИСОД-МУҲАНДИСЛИК ФАКУЛЬТЕТИ**
Дизайн(к.) — 30 киши
Иқтисодиёт (тармоқлар бўйича) (к.) — 35 киши
Менежмент (соҳалар бўйича) (к.,с.) — 50 киши
Маркетинг (тармоқлар бўйича) (к.) — 30 киши

**КОН-ГЕОЛОГИЯ ФАКУЛЬТЕТИ**
Фойдали қазилмалар геологияси ва қидирув ишлари (к.,с.) — 80 киши
Металлургия (к.,с.) — 65 киши
Кончилик электромеханикаси (к.) — 35 киши
Геодезия,картография ва кадастр (к.) — 30 киши
Кончилик иши (к.,с.) — 110 киши
Ҳаётий фаолият хавфсизлиги (к.) — 30 киши

**ЭНЕРГЕТИКА ФАКУЛЬТЕТИ**
Иссиқлик энергетикаси (к.,с.) — 105 киши
Электр энергетикаси (к.,с.) — 90 киши
Гидроэнергетика (к.) — 30 киши
Электр техникаси,электр механикаси ва электр технологияси (к.,с.) — 85 киши
Энергияни тежовчи электротехника тизимлари ва комплекслари (к.,с.) — 45 киши

**МЕХАНИКА ФАКУЛЬТЕТИ**
Материалшунослик ва янги материаллар технологияси (к.) — 30 киши
Машинасозлик технологияси, машинасозлик ишлаб чиқариш жиҳозлари ва уларни автоматлаштириш (к.,с.) — 55 киши
Технологик машиналар ва жиҳозлар (к.,с.) — 35 киши
Энергетика машинасозлиги (к.) — 30 киши
Ер усти транспорт тизимлари (к.,с.) — 45 киши
Пайвандлаш ишлаб чиқариши машиналари ва технологияси (к.) — 30 киши
Агроинженерия (к.) — 30 киши

**ЭЛЕКТРОНИКА ВА АВТОМАТИКА ФАКУЛЬТЕТИ**
Асбобсозлик (к.) — 50 киши
Метрология,стандартлаштириш ва сертификатлаштириш (к.) — 35 киши
Электроника ва микроэлектроника (к.) — 80 киши
Автоматлаштириш ва бошқарув (к.,с.) — 85 киши
Радиотехника (к.) — 35 киши

**КОМПЬЮТЕР ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ФАКУЛЬТЕТИ**
Информатика ва ахборот технологияси (к.,с.) — 120 киши

**НЕФТЬ ВА ГАЗ ФАКУЛЬТЕТИ**
Кимёвий технология (ишлаб чиқариш турлари бўйича) (к.) — 30 киши
Нефть ва нефть-газни қайта ишлаш технологияси (к.,с.) — 55 киши
Нефть ва газ иши (к.,с.) — 140 киши
Атроф-муҳит муҳофазаси (тармоқлар бўйича) (к.) — 30 киши
Касб таълими (соҳалар бўйича) (к.,с.) — 180 киши

**Университетимизга кириш истагида бўлганлар қуйидаги ҳужжатларни топширишлари лозим:**
- Ректор номига ариза;
- Ўрта маълумот ҳақидаги ҳужжатнинг асл нусхаси;
- 3х4 ҳажмли 6 дона фотосурат;
- 086-у шаклидаги тиббий маълумотнома.
Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги ҳақидаги паспорт ва хизматга алоқадорлиги тўғрисидаги ҳужжат шахсан кўрсатилади.

*Ҳужжатларни қабул қилиш муддати — 2002 йил 20 июндан 20 июлгача.*

Ўқишга кирувчилар учун тест синовлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази томонидан кундузги ва сиртқи бўлимларга 2002 йил 1 август куни бўлиб ўтади.

**Тест синовлари:**
• иқтисодиёт, менежмент ва маркетинг йўналишлари бўйича:
**математика, чет тили, она тили ва адабиёт;**
• кимёвий технология, металлургия, материалшунослик ва янги материаллар технологияси, нефть ва нефть-газни қайта ишлаш технологияси йўналишлари бўйича:
**кимё, математика, она тили ва адабиёт;**
• **дизайн** йўналишида **ижодий имтиҳон** ҳамда **математика, она тили ва адабиёт;**
• қолган йўналишлар бўйича:
**математика, физика, она тили ва адабиёт фанларидан ўтказилади.**

*Эслатма: (к.) — кундузги ўқиш шакли, (с.) — сиртқи ўқиш шакли.*

**Манзилимиз: 700095, Тошкент шаҳри, Талабалар шаҳарчаси, Университет кўчаси, 2.**

*Тошкент давлат техника университети.*

3972/1329

## САВОЛ БИЗДАН...

**Пойтахти Тхимпху, давлат тили бхотия, миллий валютаси нгултрум бўлган мамлакат қайси?**

**136-35-60**

***Кечаги сонда берилган саволнинг жавоби:***

Соҳибқирон Амир Темурнинг бу сўзлари Оқсарой пештоқларига битилган.

Бу ҳақда тошкентлик Д. Эшмуродов, Ш. Шоисмоилов ва самарқандлик Т. Қурбонов хабар бердилар.

**"Торсуна-Хосиятлик" ҚК**
**Италия асбоб-ускуналарида қуйидагиларни ишлаб чиқаради:**
• ***Пиво, маъданли сув ва мева ичимликлари учун мўлжалланган рангли тасвирли КРОНЕНТИКИНЛАР***




• ***АЛЮМИНИЙ ҚАЛПОҚЧАЛАР "бурама оғиз".***
**Тел.: (99871) 173-83-43, 78-34-33, 137-06-66.**
Факс (99871) 173-93-12, 133-06-66. E-mail: torsuna@infonet.uz
©Pressa 5979

**ТАШКИЛОТ**
*Германия технологияси бўйича тайёрланган*
**ТУРЛИ РАНГДАГИ ПЛАСТИКЛИ ДЕВОР ПАНЕЛЛАРИНИ**
*таклиф этади.*
*Бундан арзонини тополмайсиз.*
Телефон: 137-72-24, факс: 137-72-23.
5935/366

**Лойиҳа-тадқиқот ишларини бажарувчи ташкилотлар диққатига!**

**Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси пудрат савдоларини ташкил этиш (тендер) бўйича республика бошқармаси**

**Фарғона вилоят филиали**

***қуйидаги иншоотлар бўйича лойиҳа-пешҳисоб ишларини бажариш учун танлов савдолари (тендер) ўтказилишини эълон қилади.***

**Буюртмачи: Фарғона вилояти мукаммал қурилиш бош бошқармаси.**

**Манзил: Фарғона шаҳри, Ал-Фарғоний кўчаси, 69-уй, телефон: 24-24-33.**

1. Фарғона шаҳридаги 380/100 ўқувчи ўрнига мўлжалланган 6-сонли касб-ҳунар мактабини қайта таъмирлаш.
2. Фарғона шаҳридаги 540/100 ўқувчи ўрнига мўлжалланган 27-сонли касб-ҳунар мактабини қайта таъмирлаш.
3. Фарғона шаҳридаги 340/100 ўқувчи ўрнига мўлжалланган 16-сонли касб-ҳунар мактабини қайта таъмирлаш.
4. Қўқон шаҳридаги 900/400 ўқувчи ўрнига мўлжалланган сервис хизмати ва тадбиркорлик техникумини қайта таъмирлаш.
5. Қўқон шаҳридаги 400/100 ўқувчи ўрнига мўлжалланган 9-сонли касб-ҳунар мактабини қайта таъмирлаш.
6. Қўқон шаҳридаги 400/100 ўқувчи ўрнига мўлжалланган 4-сонли касб-ҳунар мактабини қайта таъмирлаш.
7. Ўзбекистон туманидаги 300/50 ўқувчи ўрнига мўлжалланган 13-сонли техника касб-ҳунар мактабини қайта таъмирлаш.
8. Марғилон шаҳридаги 320/100 ўқувчи ўрнига мўлжалланган халқ ҳунармандчилиги лицейини қайта таъмирлаш.
9. Фарғона туманидаги 320/100 ўқувчи ўрнига мўлжалланган 23-сонли касб-ҳунар мактабини қайта таъмирлаш.
10. Марғилон шаҳридаги 300/100 ўқувчи ўрнига мўлжалланган 18-сонли касб-ҳунар мактабини қайта таъмирлаш.

*Лойиҳа-пешҳисоб ишлари давлат инвестиция маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.*

*Лойиҳа ишларини бажарувчи ташкилотлар қуйидаги шартларга: «Давархитектқурилиш» қўмитасининг махсус рухсатномасига (лицензия), етарли касбий ва техникавий малака, молиявий имкониятлар, ишчи кучи ресурсларига, шартнома тузишга лаёқатли юридик ҳуқуққа эга, тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт.*

*Савдога қатнашиш ва тендер ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — пудрат савдоларини ташкил этиш (тендерлар) бўйича республика бошқармасининг Фарғона вилоят филиалига мурожаат қилиш мумкин.*

**Таклифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан қуйидаги манзилда қабул қилинади.**
**Таклифлар очилиши эълон матбуотда чоп этилган кундан бошлаб ўттиз кундан кейин қуйидаги манзилда ўтказилади:**

**Фарғона шаҳри, А.Навоий кўчаси, 29- «А»-уй**
**(Фарғона вилоят архитектура ва қурилиш бош бошқармаси биноси).**

**Телефон/факс: 26-43-19.**

5981/1321

«Ўзмевасабзавотузумсаноат-холдинг» компанияси жамоаси узумчилик ва виночилик соҳалари фахрийси
**Ҳайдар ҲАЙДАРОВнинг**
вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор қилади.

«Физика-Қуёш» ИИЧБ жамоаси ЎзР Фанлар академиясининг вице-президенти, бирлашма бош директори, физика-математика фанлари доктори Саъдулла Лутпуллаевга волидаи муҳтарамаси
**Сабура ая ЮЛДАШЕВАнинг**
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.